

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 3 апрель, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (10.873)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

«Ташаббус — 2007» ғолиблари

САЛОМАТЛИККА МУҲИМ ҲИССА

Бу борада айни пайтда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган, тадбиркорлик билан изланишлари боис эл саломатлигига муҳим ҳисса қўшаётган «RADIKS» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг улушлари салмоқли бўлмоқда. Чунки ўтган қисқа давр мобайнида кўплаб дори-дармон турлари ишлаб чиқаришга жорий этилдики, улар четдан келтирилмаган ашунадай товарлар ўрнини босиши баробарида, беморларнинг дардига малҳам, саломатликларига гаров бўлди.

Агар рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, корхона иш бошлаган 2003 йилда фақатгина 3 турдаги дори тайёрланган бўлса, бугунги кунга келиб 92 хил дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда. Ишчи-хизматчилар сафи ҳам кенгайиб, 49 нафарни ташкил этмоқда. Уларга яратилган меҳнат қилиш ҳамда дам олиш шароитлари иш унумдорлиги ва махсус сифати юксалишида яққол сезилмапти. Албатта, буларнинг барчасини замонавий техника ва технологиялар асосида олиб борилаётган изланишлар самараси деган асло муболага бўлмайди. Цехлар Германия, Россия, Хитой давлатларидан келтирилган линиялар билан жиҳозланган бўлиб, бу дори-дармон турларини янада кўпайтиришда муҳим ҳисса қўшмоқда. Жорий йилда ҳам тадбиркорлар яна бир янги лойиҳани амалга ошириш устида ишлашмоқда. Лойиҳанинг амалга ошиши ампула ва инфузион дориларни замонавий техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни кўзда тутиб, янги линиялар келтириб ўрнатилади. Бунинг натижасида 100 дан зиёд қўшимча ишчи ўринлари яратиш имконияти туғилади.

Яна бир асосий муваффақият хусусида тўхталадиган бўлсак, бу махсусотлар экспорти ҳажмининг ортиб бораётганидир. 2007 йилда Афғонистон давлатига 297 минг долларлик дори-дармон етказиб бериш режаланган бўлиб, ўтган икки ойда ушбу рақам 32 минг долларни ташкил этди.

Албатта, изланиш муваффақият гарови, деб бежизга айтилмайди. Корхонада йил сайини амалга ошириладиган янгиликлар, интилишлар самара бермоқда. Яқинда Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичида корхона муваффақиятлари эътироф этилиб, жамоа раҳбари Пулат Қайомхўжаев «Энг яхши тадбиркор» номи билан 1-ўрин соҳиби бўлди, пойтахт босқичида эса унга фахрли 2-ўрин насиб этди.

—Рағбат барчани ютуқларга, янги изланишларга ун-

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА, ДЕЙМИЗ, ЛЕКИН ИССИҚ ЖОН ИСИТМАСИЗ БЎЛМАСЛИГИ ТАБИИЙ ҲОЛ. АЛБАТТА, АНА ШУНДАЙ ҲОЛЛАРДА ШИФОКОРЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИНИ ДАРДГА МАЛҲАМ ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЖОНИНГИЗГА ОРО КИРАДИ, СОҒЛИГИНГИЗНИ ТИКЛАШДА, ТЕЗРОҚ ТУЗАЛИШДА ЁРДАМ БЕРАДИ.



дайти. — дейди корхона раҳбари Пулат Қайомхўжаев. — Келгусида ҳам халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги эзги ишларимизни давом эттириб дори-дармонлар сифатли тайёрлашига эришамиз. Бунинг учун мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган барча шароит ва имтиёزلардан оқилона фойдаланамиз. Ёр муҳими, юртимиз ахли ҳаммиса саломат бўлсин. Дори-дармонларимиз беморларга малҳам бўлиши эса бизни мамнун этади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхона директори ўринбосари Комил Қосимов ва технолог Бахтиёр Абдуллаев; дори-дармонлар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

2007 йил 30 март кунги Ўзбекистон Республикасининг НАТО хузуридаги ваколатхонаси раҳбари Эсон Муштафоев НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схефферга Ишонч ёрлиқларини топширди.

Тақдимотдан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан НАТО ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ (СЕМИПАЛАТНИСК, 2006 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 2 апрель №УРҚ—80

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИНИНГ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМАНИ (МИНСК, 2006 ЙИЛ 23 ИЮНЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

«Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённома (Минск, 2006 йил 23 июнь) қуйидаги шарт билан ратификация қилинсин:

«Мазкур Баённомага доир иловаларда назарда тутилган қуйидаги ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасига нисбатан қўлланилмайди:

1) 1-Иловадаги:

13 ва 15-бандлар. Қозғоғистон Республикаси Ҳукумати, Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1998 йилда Норин-Сирдарё сув омборлари мажмуасининг сув-энергетика захираларидан биргаликда ва комплекс фойдаланиш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 1998 йил 17 март);

18-банд. Қозғоғистон Республикаси Ҳукумати, Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1999 йилда Норин-Сирдарё сув омборлари мажмуасининг сув-энергетика захираларидан биргаликда ва комплекс фойдаланиш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 1999 йил 14 апрель—6 май);

2) 3-Иловадаги:

4-банд. Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Алмати, 1994 йил 8 июль);

9-банд. Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги «Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Битим (Алмати, 1996 йил 23 август);

16-банд. Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 1999 йил 24 июнь);

27-банд. Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш киритиш ҳақидаги Баённома (Алмати, 2001 йил 5 январь)».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 2 апрель №УРҚ—81

Касалхона саатларда

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 235-мактабда Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар иштирок этишди.

● **ТАЛАБА** ёшларни геологик-кидирув ишлари бўйича жорий этилаётган янгиликлардан воқиф этиш, уларга пухта билим бериш мақсадида Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг Геология ва кончилик факультетида замонавий педагогик технологиялар келтирилди, геолог олимлар томонидан таълимнинг самарали усуллари бўйича дастур ишлаб чиқилди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муно-

сабати билан Республика болалар руҳий асаб касалликлари шифонасининг неврология, ортопедия бўлимида замонавий тиббий аппарат билан жиҳозланди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари иштирокида ўтказилган «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг туман босқичи халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Архитектура ва курилиш институтида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ташаббуси билан талабалар иштирокида уюштирилган тадбир «Сумалак сайли» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Фармон ва ижро

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

тирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал савиясини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилиши учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза этиш, фуқароларнинг ўз саломатлигига эътиборини кучайтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кенг йўлга қўйиш, аёлларнинг яшаш ва меҳнат шароитини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш масалалари алоҳида эътиборда. Бу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ўтган йили жисмоний

тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ҳамда спорт тадбирларида иштирок этаётган хотин-қизлар сони 7,5 миллион нафарга етди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан ярим миллион кўп демакдир.

Уйда ўтирган аёлларни меҳнатга, фаол турмуш тарзига жалб этишда қўл келмаётган касалликларни кенг фойдаланиш тўғрисида 262 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Бундай хайрли ишларни йўлга қўяётган, ўз ишлаб чиқариши билан элимиз равангига ҳисса қўшаётган тадбиркор аёлларга тижорат банклари томонидан 49 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Йиғилишда Адлия вазирлиги томонидан Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Хотин-қизлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни турли зарарли оқим-

лар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, оила-никоҳ муносабатлари борасида кенг тушунириш ишлари олиб бориляпти. Бунда ФХДЭ органлари хузурида ташкил этилган Оила доирасидаги ишлар, ёш оила мактаблари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган лапар ва ўлан ижрочилари республика кўрик-фестивалининг Бухоро вилоят босқичи бадиий-ҳаваскорлик жамоалари изланишларининг ўзига хос кўриги бўлди.

● Фарғона вилоятидаги Бувайда педагогика коллежи талаба-ёшлари яшариш ва янгилиниш байрами кунларида «Наврўз» боғини яратишди. Коллеж худудини камраб олган уч гектарлик ёшлар боғига 2 минг тупдан ортиқ мева ва манзарали кўчатлар ўтказилди, 890 нафар қишлоқ ёшлари таҳсил олаётган илм масканидаги ҳар бир кўчат талабалар ихтиёрига берилди.

● Гулистон шаҳрининг «Намуна» маҳалласи ахли Наврўз айёми кунларида ажойиб тухфага эга бўлди. Тадбиркор Деҳқонбой Душаев эски кинотеатр биноси ўрнига гузар бунёд этди. Эндиликда маҳалла ахли тўй-ҳашамларини мана шу кенг ва ёруғ бинода ўтказишади.

● Ўқувчи ёшларни спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш ҳамда халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган маҳоратли спортчиларни тайёрлаш мақсадида Бухоро шаҳрида I Республика умуммиллий марафони ўтказилди.

● Фарғона вилоятининг Бувайда тумани, Ойдинкўл қишлоғида янги врачлик пункти ишга туширилди. Туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси ва ҳомийлар кўмағида қуриб битказилган янги шифо маскани физиотерапия, лаборатория, оналар ва болалар бўлими, дори-хона ҳамда кундузги стационарга эга.

● Гулистон шаҳрида меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш шаҳар бўлими томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида 45 та корхона, ташкилот ва муассаса 400 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Шу кунга 40 нафар киши иш билан таъминланди, 30 дан зиёд йигит-қиз касб-хунар ўрганишга, 10 нафар талабгор эса маъмурий ишга жалб қилинди.

● Жиззах туманидаги мактабгача таълим муассасаларининг сони 1 тага кўпайди. «Жиззахлик» маҳалласи худудида эски мактаб биноси қайта тўла таъмирланиб, болалар боғчасига айлантирилди. Замонавий мебеллар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган болалар муассасасига «Истиқлол» номи берилди.

ЖАҲОНДА

● Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт Араб давлатлари етакчиларини Яқин Шарқ можароси юзасида музокаралар ўтказиш учун тинчлик конференциясини ташкил этишга қаққирди. Бу ҳақда у Қуддусда Германия канцлери Ангела Меркел билан учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилди.

● Эронда қўлга олинган 15 нафар британиялик ҳарбий денгизчилардан 2 нафари айбонларга иқро бўлди. Яъни маҳаллий телеканалларда кўрсатилган видеолавҳаларда икки денгизчи Эроннинг сув худудига ноқонуний кирганини билдирган ва харитадан ҳаракат манзилларини кўрсатган. Буюк Британия мудофаа вазирлиги қўлга олинган ҳарбийларга қўйилаётган айбонлари ҳамон инкор этмоқда.

● Непалдаги етакчи сиёсий кучлар 10 йилдан сўнг биринчи бор мамлакатдаги маоисёнчиларнинг вақтинчалик ҳукумат тарихига киришига розилик берди.

● Фаластиннинг ФАТХ ҳаракати ўзининг янги қуролли қанотини бундан этди. Ҳаракатнинг бу қанотида уч мингдан ортиқ жангчи бўлиб, улар ХАМАС ташкилоти жангариларига қарши кураш олиб боради. Мухторият раҳбари Махмуд Аббос бошчилигидаги ФАТХ ҳаракатида бундай махсус гуруҳнинг ташкил этилишига Фаластинда сўнгги пайларда юзага келган нотинч вазият сабаб бўлган.

● Кеча Тинч океанининг жанубий қисми — Соломон оролларида Рихтер шкаласи бўйича 8,1 балли zilзилла рўй берди. Зилзила оқибатида оролларга баландлиги 5 метрлик цунамининг бостириб келиши натижасида 18 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 мингдан ортиқ аҳоли жабрланди, юзлаб уйлар вайронага айланди.

● Бразилия пойтахти авиадиспетчерларининг меҳнат шароитлари яхшиланиши, маошлар оширилиши, диспетчер хизмати Мудофаа вазирлиги тасарруфидан чиқарилишини талаб қилган ҳолда иш ташлаши муносабати билан барча аэропортлар вақтинчалик ўз фаолиятини тўхтатди. Пойтахт авиадиспетчерлари ташаббусига Рио де-Жанейро, Сан-Пауло ва Куритиба сингари йирик шаҳарларнинг соҳа ходимлари ҳам қўшилди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 4 апрель кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 16-18 даража илқ бўлади.

«Камолот»

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЪМУРИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИНГ ҚЎЛБИДА МИЛЛИЙ ГОЯ, МАФКУРА, ЎЗ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ, АНЪАНАЛАРИГА МЕХР, САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЁИХ ШАЙХОНТОХУР ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДА «ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА «ВАРРАКЛАР САЙЛИ», «МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ» ҲАМДА «ТОШКЕНТ—МЕХМОНДУСТ ШАҲАР» ФЕСТИВАЛЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Кўни кеча ушбу лойиҳа доирасида «Зарафшон» концерт залида Болалар ижодиёти уйи билан ҳамкорликда «Янги эски шаҳарда сумалак» фестивали бўлиб ўтди. Унда Болалар ижодиёти уйида фаолият юритиб келаётган «Марварид», «Тантана», «Феруза» ҳамда «Наргиз» гуруҳларининг куй ва кўшиқ, шўх рақслари, шунингдек «Янги эски шаҳарда сумалак» номли мусиқий саҳна кўринишлари байрам қатнашчилари ва меҳмонларга хуш кайфият улашди.

Тадбир давомида болалар мода театрининг миллий либослар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Унда дизайнер Камола Аҳмедованинг «Avalgard» ҳамда дизайнер Умиданинг «Gullag» номли либослари намойиш этилди.

—Ушбу байрам тадбиримизга Шайхонтохур туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамда турли корхона ва ташкилотлардан вакиллар ва туман ёшларини тақлиф этдик,— дейди «Камолот» ЁИХ Шайхонтохур туман Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Шахноза Умархўжаева.—Мақсадимиз умрбоқий байрам кайфиятини ёшларга улаштириш ва улар кўнглида она-Ватанимизга меҳр-муҳаббат уйғотишдир.

Азиза МУҲАМЕДОВА

ЮНУСОБОД ТУМАНИ, 12-МАВЗЕДАГИ «ЯНГИ ҲАЁТ» МАҲАЛЛАСИ ШАҲРИМИЗДАГИ КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ ҒЎШАЛАР ҚАТОРИГА КИРАДИ. БУ ЕРДА 36 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА 38 МИЛЛАТГА МАНСУБ 3280 АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ.

Бу йил айниқса маҳалла ободончилигига катта аҳамият қаратилди. Хашарлар давомида теварак-атроф орасталанди. 250 дан ортиқ игнабарғли, 200 тул мевали, 100 дан ортиқ атиргуллар ўтказилди.

Маҳалладаги бошқа тантаналар қатори Наврўзи олам байрами ҳам барча

Наврўз нашидаси

Кўнглилар шод бўлди

Миллатлар иштирокида уюшқоқлик билан ўтди. «Аслон хожи ота» гузарига кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийларидан 320 киши тақлиф этилди.

Маҳалладошларни фуқаролар йиғини раиси Ваҳоб Эргашев кутлаганидан сўнг шодиёналар бошланди. Байрам тадбирининг файзли ўтишига Юнусобод тумани маданият уйи бадиий ҳаваскорлари, Умаржон Солиев,

Ўзбекистон Давлат консерваториясидан Маъмуржон Умаровлар ўз хиссаларини қўшишди.

Тадбир давомида ўнга яқин кам таъминланган оилаларга совғалар берилди.

«Севинч» дўкони, «Аслон хожи ота» тўйхонасининг соҳиби Рауф Асрорхожиевлар маҳалладаги Наврўз байрамининг асосий хомийлари бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

ДИПДАН ҚУВНАШДИ

ҚАЛЕЛАРИМИЗГА ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ, МЕХРОҚИБАТ ОЛИБ КЕЛГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҒЎШАЛАРИДА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ВАТАН ИЧРА ВАТАН САНАЛИМИШ МАҲАЛЛАЛАРДА ШОДИЁНА НАШИДАСИ ҲУКМРОНКИ, БУНИ КАРНАЙ-СУРНАЙ САДОЛАРИ ОСТИДА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ТАДБИРЛАРДАН ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН.

Кўни кеча Миробод туманидаги «Парвона» маҳалласи аҳли ҳам юз-кўзларидан қувонч билан умрбоқий байрамни тантанали равишда нишонлашди. Файзли безатилган байрам дастурхонига пиру бадавлат отахону онахонлар, маҳалла фаоллари, ҳар бир ишда ҳамжиҳат ва жонқуяр хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар вакиллари тақлиф этилди. Дошқозонда қайнаган сумалак, маҳалланинг пазанда аёллари тайёрлаган кўк сомса

ва чўчваралар, турли хил пишириклар дастурхонни безади. Севили таом—паловдан барча баҳраманд бўлди.

—Элимизда кадр топаётган,

аҳамият қаратамиз. Бу йилги Наврўзни ҳам маҳалламизни обод этиб, гул ва дарахт ниҳоллари эжиб ўзаро ҳамжиҳатликда қарши олдик. Ёрдამга



азалий удумларимиз, шарқона урф одатларимизни ўзида муҳассам этган Наврўзи оламнинг маҳалламизда ҳар йили катта тантана билан нишонланади. Пиру бадавлат отахону онахонлар, маҳалла фаоллари, ҳар бир ишда ҳамжиҳат ва жонқуяр хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар вакиллари тақлиф этилди. Дошқозонда қайнаган сумалак, маҳалланинг пазанда аёллари тайёрлаган кўк сомса

муҳтож ва кам таъминланган оилалар доимий эътиборимизда. Наврўз байрами кунинда 20 нафар ётиб қолган бемор ва қарияларни совға-саломлар билан йўқлаб, хонадонларига байрам кайфияти улашдик. Ижтимоий ғимоя йилида дастур асосида бажариладиган ва-зифаларимизни белгилаб олганмиз. Мақсадимиз эса ҳар бир хонадонга кириб бориш, аҳоли тинчлик-хотиржамлиги

ни, маҳалла ободлигини таъминлаш, фарзандларимизни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ҳисса қўлишимиз.

Маҳалладаги байрам шодиёнасига санъаткорларнинг қўшиқлари алоҳида файз бағишлади. Айниқса, маҳалладаги мана шундай тадбирларни ўтказишда муносиб ҳисса қўшаётган Бахтиёр Шокиров раҳбарлигидаги даста хонадонлари хизматини, байрам дастурхонини тузашда беиннат кўмак берган Табассум Абдуллаева раҳбарлигидаги «Табассум қандолатлари» хусусий фирмаси, «Моҳизорхон» дўкони тадбиркорларининг

ҳимматини алоҳида таъкидлаш ўринли. Сирасини айтганда, шу кўни йилгилан маҳалладошлар дилдан яйрашди, шўх кўшиқлар қувноқ рақсларга уланди, дуога қўл очган қариялар юртга тинчлик, фаровонлик, Наврўзга умрбоқийлик тилашди.

Шарофат БАҲРОМОВА СУРАТДА: маҳалладаги байрам шодиёнасидан лавҳа.

Иқтисодиёт

ДИД ВА ЭҲТИЁЖГА МОС

«SHAMS-TEKS-BIZNES» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ ТУРЛАРИНИ КЎЙПАЙТИРИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА.

Мазкур жамият цехлари замонавий хорижий, юксак унумли технологик линия, дастгоҳ ҳамда ускуналар билан жиҳозланганлиги боис, сифатли ва рақобатбардош мебель, мақорон маҳсулотлари ҳамда тиббиёт моими ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, корхона тадбиркорларининг ички бозоримизни чуқур ўрганиш борасидаги самарали саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йилдан бошлаб хари-дорғир ювиш воситаси, ётоқхона қаровотлари учун мўлжалланган тўшақ, ёстиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

—Юртимизда тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши, яратилган ҳуқуқий кафолатлар туфайли эркин фаолият юритилмоқда,—дейди «SHAMS-TEKS-BIZNES» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Садриддин Исмоилов.—Асосийси, ҳамшаҳарларимизга иш ўринлари яратилмоқда, ички бозоримиз эса ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, талаб даражасидаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида цехларимизга хорижий замонавий техника ва технологияларни келтириб ўрнатдик. Икки йил аввал Россия ва Хитой давлатларидан 150 минг долларлик юксак унумли линиялар келтирилганми, улар ишчи-хизматчиларимизга ҳақиқий маддор бўлмоқда.

САҒЛАМ КЕНГАЙМОҚДА

МУСТАҚИЛИГИМИЗ ТУФАЙЛИ АЁЛЛАРИМИЗНИНГ НАҒАҚАТ ОИЛАДА, МАҲАЛЛАДА, БАЛКИ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ХОТИН-ҚИЗ ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ САҒИ ҲАМ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ БУНДАН ДАЛОЛАТДИР.

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган аёл тадбиркорлар орасида «OPTIMUM» хусусий корхонасининг ишбилармон раҳбари Шаҳина Усмонова муносиб ўринга эга. У изланиши, янгиликка ўчилиги, доимий билиминини бойитишга интилиши ҳамда ташаббускорлиги боис, икки йил аввал хусусий бизнесни юритишни бошлаб 6 нафар моҳир, қўли гул тикувчи, малакали бичиқчи ҳамда замонавий дизайнчиларни иш билан таъминлади.

Мазкур хусусий корхонада буюртма асосида аёллар учун мавсумий либослар тикилади. Цехда Жанубий Корея, Япония ҳамда Германия давлатларининг замонавий тикув машиналари, керакли дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган. Буюртмалар учун сифатли матолар шартнома асосида хориждан келтирилади. Мижозларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда буюртмалар жуда қисқа муддатларда адо этилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Алоқа

САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УЧУН ЎТГАН ЙИЛ САМАРАЛИ БЎЛДИ. ПОЧТА ХИЗМАТИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ФИИАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР ЎЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРДИ.

Умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, зарур техника билан қайта жиҳозлаш каби жараёнлар учун кўплаб асбоб-ускуналар харид қилинди. Почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташийдиган қўшимча транспорт воситалари жиҳозланди.

Жойларда газета ва журналлар, филателия маҳсулотлари, хатжилдлари билан савдо қилувчи 30 та дўкон очилди.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

«БИЛАЙН» САВДО БЕЛГИСИ ОСТИДА УЯЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ ШЎҒБА КОРХОНАСИ ЯНГИЛГ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «ЮНИТЕЛ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҚАТОР ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Унда «Менинг Билайним» деб номланган янги хизмат тури ташкил этилиши ҳам абонентларни хурсанд қилди.

Мижозларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизими ҳисобланган «Менинг Билайним» хизмат тури туфайли абонентлар тариф режасини ўзгартириш, муайян хизматни улашти ёхуд ўчиртириш учун операторга мурожаат қилишлари шарт эмас. Янги хизмат турида операторнинг иштирокисиз бепул қўнғироқ қилиш орқали хизматлардан фойдаланиш мумкин.

ИХТИСОСЛАШГАН КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДА ДИССЕРТАЦИЯЛАР ҲИМОЯСИ БЎЙИЧА БИРЛАШГАН ИХТИСОСЛАШГАН КЕНГАШ ТУЗИЛДИ.

Республика Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган бу кенгашда техника фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси йўлга қўйилди.

«Хисоблаш машиналари, мажмуалари тизимлари ва тармоқларнинг математика ва дастурий таъминоти», «Хисоблаш машиналари, мажмуалари тизимлари ва тармоқлари» каби мавзулардаги диссертацияларнинг дастлабкилари қабул қилинди.

Ақбар АЛИЕВ

Танловлар

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАР ЙИЛИ «САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ АНЪАНАВИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА. УШБУ ТАНЛОВНИНГ ЗАМИРИДА ҲАМ ЮРТИМИЗДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН, ЎҚИБ, ИЗЛАНИБ, ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИЛАРИНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ВА УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, РАҒБАТЛАНТИРИБ БОРИШ КАБИ ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЁТАДИ.

Шаҳримизда уч кун давомида «Санъат ғунчалари» кўрик танловининг республика бўлиб ўтди.

Танлов икки босқичда — катта ва кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда 9,11 ва 12,14 ёшлар иштирокида ташкил этилди.


Успенский номидаги Республика академик лицейида бошланган танлов Ўзбекистон Давлат консерваториясида ниҳоясига етди.

Танловда республика ва шаҳар музика мактаблари, академик лицейи ва санъат мактабларидан 70 нафар ўқувчилар фортепиано, скрипка, виолончель мутахассислари буйича иштирок этдилар.

Биринчи босқичда Успенский номидаги Республика академик лицейи ўқувчиси Нодира Дадамухаммедова энг олий мукофот — Гран прини, мазкур мактабнинг яна бир ўқувчиси Артём Пак ва 20-музика мактаби ўқувчиси Азиза Фозилова кичик гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб фортепиано мутахассислиги бўйича голиб бўлдилар.

Иккинчи босқич — катта гуруҳда эса Республика Тасвирий ва амалий санъат лицейи-интернати ўқувчиси Шаҳинабону Аҳмеджонов ва Марина Ли, фортепиано бўйича голибликни қўлга киритдилар. Скрипка бўйича Глиэр номидаги махсус музика мактаби ўқувчилари Дониёр Қодиржонов кичик гуруҳда, катта гуруҳда эса Хуршиджон

Ҳамидов, виолончель бўйича яна шу



қараб, рости жуда ҳам ҳавасим келди. Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб бориш, иқтидор ва истеъдодларини муносиб равишда баҳолашга кенг эътибор қаратилаёпти. Бу танлов эса энг иқтидорлиларни танлаб олишга кенг имкониятлар эшигини очади. Голиб бўлган ёшларимиз ва барча қатнашчиларнинг бундан кейинги музика соҳасидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз.

●Нодира Дадамухаммедова, гран при соҳиби:

— Мен, жудаям хурсанд ва бахтиёрман. Бундай олий мукофотнинг соҳибига айланганини сира ҳам кутмаган эдим. Аммо танловга жуда ҳам пухта тайёргарлик кўргандим. Устозларим ва яқинларим кўмағида узоқ тайёрландим. Мана натижасини ўзингиз кўриб турибсиз. Келажикда бундан ҳам олий ўқуқларга эришиб музика соҳасида ўзига хос ўрини бўлишни хоҳлайман. Барча устозларимга раҳматлар айтаман. Бу соврин аслида уларнинг меҳнати мевасиди дейиш мумкин.

Кўрик-танлов барча иштирокчилар ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Гулчехра ДҮРДИЕВА СУРАТДА: «Санъат ғунчалари» кўрик-танловининг лавҳалари.

Наталья Семёнова олган суратлар

ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ УЗОҚ МИНГ ЙИЛЛИКЛАРДАН ЎТИБ ҲОЗИРГИ ДАВРДА БҮЮК ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ. ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА ШАҲС МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИ, МАНФААТЛАРИНИНГ БИРЛИГИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИНИНГ РИВОЖ ТОПИШИГА ЗАМИН ЯРАТДИ.

Шу ўринда инсоннинг ҳаётдаги муносиб ўрнини белгилаб берувчи ва унинг кафолати бўлиб хизмат қилаётган парламентчилик тажрибасининг ўсиб бориши кишилик жамиятининг энг катта ютуғи бўлганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Инсоният ҳуқуқий тафаккурининг махсули сифатида жамиятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси ҳисобланган парламент узоқ йиллар давомида ўз мавқеини ошириб келган тарихий жараён

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сенатга тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сенатор ҳисобланади. «Сенат» сўзининг асл луғавий маъноси лотин тилидан олинган бўлиб, оқсоқоллар Кенгаши, маслаҳатчи орган деган маъноларни англатади.

Конунинг 6-моддаси 2-қисмига кўра, Сенатда доимий

Ҳуқуқий давлат сари ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

ларни босиб ўтди.

Замонавий парламентларнинг юксалиб ва такомиллашиб бориши натижасида ХХ асрда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг яшаш учун муҳим бўлган — давлат ҳокимиятининг унга тақсимланиши принципи амалга ошди. Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент тисолида ижро ва суд ҳокимиятлари билан ўзаро сиёсий муносабатларда ҳокимиятлар мувозанати қоидасини таъминлаб туриш воситаси функциясини ҳам бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII боби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари мақоми мустаҳкамлаган, 88-моддасида эса Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати белги-ланган. Сенатор ёки депутатнинг мақоми фаолиятининг кафолатлари билан ўлчанмайди, балки уларнинг олдига қўйилган функцияларини қанчалик даражада амалга ошириш имкониятларидан келиб чиқиб аниқланади.

Сенатор мақоми ва унинг фаолиятининг кафолатлари бево-сита «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонунда сенатор шахсига таъриф берилади, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ

асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Шу жойда ижодий фаолиятни ҳам киритиш керак деб ўйлаймиз, чунки санъат ва адабиёт соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларнинг албатта ижодий фаолият билан шуғулланишлари табиий ва бундай фаолият натижасида олинмаган гонорарни ҳам четда қолдирмаслик лозим. Яъни, ушбу модда «Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас», деб таъриф этишни тақлиф қилган бўлар эдик.

Ушбу қонуннинг 3-бўлимида сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари берилган бўлиб, биз уларга кўп тўхталиб ўтирма-масдан, эътиборимизни унинг 12-моддасига қаратмоқчи эдик. Ушбу модда «Депутатнинг ва сенаторнинг ҳуқуқлари, шаъни ҳамда кадр-қимматини муҳофаза қилиш» деб номланади, шундан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддаси «Депутат фаолиятининг кафолатларини бузиш» номли моддасига «депутатлар» сўзидан кейин «сенаторлар» сўзини ҳам қўйишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Элёрбек АБДУМУРОДОВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ГЕРМАНИЯЛИК ИҚТИСОДЧИЛАР НИГОҲИДА

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МОСКВАДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА...

МОСКВАДАГИ БАЙРАМ УЧРАШУВЛАРИ

Йилги наваҳларни кутлар экан, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А.Денисов ўтган 15 йил давомида...

Учрашувда сўзга чиққан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Бош котиби Г.Рапола юртимиз мазкур ҳамжамиятга қўшилганини...

— Ўзбекистон нисбатан қисқа вақт ичида ЕврАзЭС ҳамкорлигининг барча йўналишлари бўйича амалга оширилётган ишларга қўшилишга муваффақ бўлди, — деди Г.Рапола.

РФ Ҳарбий фанлар академияси президенти, армия генерали М.Гареев 2005 йилда икки мамлакат президентлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги 15 йиллик ҳамкорлик ривожининг муҳим босқичларидан бири бўлганига эътибор қаратди.

— Бу ҳужжат нафақат Россия ва Ўзбекистон, балки бутун Мустақил давлатлар ҳамдустлиги ҳудудида ва айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди, — дея қайд этди М.Гареев.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 15 йиллиги баҳор байрами — Наврўзга ўғри келди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Москвадаги элчихонамиз билан ҳамкорликда юртимиз санъат усталарининг концерт дастурини ташкил этди.

Кечага йилгилан Москва олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар, бу ерда истикомат қилаётган ватандошларимиз ҳамда Россия пойтахтидаги маданий ва илмий жамғармалар вакиллари эътиборига Ўзбекистон халқ артисти Абдухалиқ Исmoilов раҳбарлигидаги «Офарин» гуруҳи ҳамда «Сабон» рақс ансамбли ижросидаги куй, қўшиқ ва рақслар хавола этилди.

Маросимнинг бадий қисмидан катта завқ-шавқ олган меҳмонлар байрам дастурхони атрофида тўпланиб, баҳорий таомлар, жумладан, сумалақдан топиб кўридилар.

қатор хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, ишбилармон, илмий, маданий доиралар вакиллари ҳамда ушбу мамлакатда истикомат қилаётган ватандошларимиз ва журналистлар иштирок этди.

Мехмонларга халқимизнинг бебаҳо маданий меросини тиклаш мамлакатимизда амалга оширилётган давлат сийосатининг асосий устувор йўналишларидан бири экани тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Юртимизда баҳор элчиси - Наврўзи оламни кенг тантанга қилиш аъёнасининг қайта тиклангани халқимиз миллий ўзлигини англашида муҳим туртки бўлиб, жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этди.

Тадбир давомида Наврўзи олам рамзи, баҳорий таомлар сардори — «сумалақ» тайёрлаш

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлашган маърузасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Берлин-Бранденбург федерал ўлкалари Иқтисодий консуллар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувда Германия Федерал иқтисодиёти ва технологиялар ҳамда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирликлари, Германия иқтисодиётининг шарҳий қўмитаси, банк-молия институтлари, фирма ва компаниялар, академик доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси борасида фикр уритар экан, Иқтисодиёт ва технологиялар вазирлигининг МДХ мамлакатлари бўйича бўлим бошлиғи Франк Вайзг юртимиз раҳбарияти халқ кўжалигини диверсификациялаш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини янада ривожлантириш, аграр тармоқни замонавийлаштириш, жумлаан, фермер хўжалиқларини замонавий қайта ишловчи ускуналар билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади.

Ф.Вайзг Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўз-ўзаро алоқаларни янада кучайтиришга эришишга эришганини таъкидлади. Шу ўринда Германиялик мутахассис икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжудлигига уруғ берди.

Савдо ва сарможлар бўйича Ўзбекистон-Германия ишчи гуруҳининг сўнгги йилги натижаларига тўхташлар экан, Ф.Вайзг ўзи фаолият юритаётган вазирликнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш борасидаги режалари хусусида ахборот берди. Унинг айтишича, мазкур йўналишда амалий ишлар олиб борилаётган бўлиб, жорий йил февраль ойида ГФР ишбилармонларидан иборат делегациянинг Ўзбекистонга ташриф буюргани бунга аниқ мисол бўла олади.

«Берлин Ландесбанк» и бошқаруви маслаҳатчиси Фридрих Херманн ҳам Германия ишбилармонлари орасида Ўзбекистон бозоридида фаолиятни янада ривожлантиришга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлади.

Немис тадбиркорлари Ўзбекистон бозоридида фаолиятини янада ошириши лозимлигини эътироф этган Ф.Херманн уларни ўзбекистонлик истеъмолчиларнинг асбоб-ускуна ва технологияларга бўлган эътиҳини қондиришга ва

юртимиз бозоридида ўз ўрнини эгаллашга даъват этди.

Анжуманда сўзга чиққан Берлин-Бранденбург федерал ўлкалари Иқтисодий консуллар уюшмаси раиси Инго Бетц бу каби учрашувларнинг ўтказилиши Ўзбекистон билан кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилаётган компаниялар билан бир қаторда мамлакатимизни ўзи учун эндигина кашф қилаётган ишбилармонларлар учун ҳам фойдали эканини таъкидлади.

«Жаҳон» ахборот агентлиги билан суҳбатлашар экан, Берлин Эркин университетининг иқтисодий профессор Х.Ведиг мазкур учрашув давомида 2006 йилда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва жорий йилда иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил ахборот олганини айтиб ўтди.

«Иқтисодиёт соҳасидаги кўрсаткичларга назар ташласак, сўнгги беш-олти йил ичида мамлакат айниқса салмоқли ютуқларни қўлга киритганини кўришимиз мумкин, — деди у. — Бу яли икки маҳсулот ҳажмининг орттишида, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўсишда намоён бўлмоқда. Шу ўринда сўнгги йилларда Ўзбекистон инфляция даражасини пасайтиришга эришгани ва бу давлат бюджетига ўзининг ижобий таъсирини ўтказганига эътибор қаратиш даркор. Ўтган йили инфляция 6,8 фоизгача пасайди. Бундай ижобий кўрсаткичлар мамлакатининг иқтисодий тарқоқ ривожла-



САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган ийрик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Уйлаимизки, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ: СТИР: 206849483 МФО: 00423 X/p: 20212000604589442001 АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

КЕЛАЖАК ТАЯНЧЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИДА «ФАРЗАНДЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур олий таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, шoir ва ёзувчилар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, солиқ академияси ректори Э.Гадовев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидладилар. Зеро, фарзандликнинг эртаси ҳақида қайғуриб яшаш миллатимизга хос эзгу фазилатлардандир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимизда йўлга қўйилган узлусиз таълим тизими ўз самарасини бермоқда. Солиқ йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда ҳам айни шу тизим имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Солиқ коллежлари ва академик лицейларини муваффақиятли туғатган ёшларнинг кўпчилиги Солиқ академиясида тахсил олмақда. Тингловчиларнинг ўз соҳасининг етуқ мутахассислари, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб таълим-тарбия олишлари учун академияда барча шароитлар яратилган.

Тадбирда ёшлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МАРКАЗИ

НАВРЎЗ БАЙРАМИ КУНЛАРИДА ТОШКЕНТДАГИ «ЯНГИ АВЛОД ФОРУМИ» БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БАЙРАМ КОНЦЕРТИ БУ ЕРДА ШУГУЛЛАНАЁТГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ИШИНING БИРИНЧИ КЎРИГИ БЎЛДИ. ИҚТИДОРИ БОЛАЛАР САНЪАТ ВА ФАННИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ЎЗ ИСТЕЪДОДИНИ НАМОЙИШ ЭТДИЛАР.

Марказ «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан яқинда очилган бўлса-да, ёш тошкентликларга яхши таниш. Усиб келаётган авлоднинг халқимизнинг маданий қадриятларидан баҳраманд қилиш, миллий амалий санъатимизнинг қадимий аъёналари ва сир-асрорларини сақлашга ўргатиш ҳамда истеъдодли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ҳақиқат мусиқа, дунё халқлари рақслари, актёрлик маҳорати, дастурлаш ва компьютер дизайн, шахмат, тасвирий санъат, чет тиллар каби йўналишларда олиб боришмоқда. Интеллектуал ривожланиш, ёш муҳбирлар клублари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ҳам билим олади, ҳам касб сирларини эгаллайди.

Маъгулотларни тажрибли педагоглар ўтказмоқда. Улар ўз ишга ижодий ёндашиб, ўқитишнинг илғор шакл ва услубларидан фойдаланишмоқда. Масалан, Анна Тарханова раҳбарлик қилаётган ёш дастурловчилар клуби «Менинг маҳаллам» мавзусида танлов ташкил этди. Хар бир иштирокчига ўз маҳалласи ҳақида электрон «сахифа» яратиш тақдирини берди. Танловда болаларнинг кўпчилиги наинки дизайн техникасини пухта эгаллаганини, балки улар ўз маҳалласини яхши кўриши, маҳалла-қўй ҳаётида фаол қатнашишга интилиши ҳам яққол намоён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг бошқа муассасаларидаги каби ушбу марказда ҳам маъгулотлар бепул ўтказилмоқда. Бугунги кунда жамғарма кўмағида пойтахтимизда, шунингдек, Самарқанд шаҳрида санъат ва болалар ижодиёти марказлари, Тошкентда болалар спорт мажмуи фаолият кўрсатмоқда. Келгусида болалар ўзлари қизиққан фанлар бўйича қўшимча билим олиши мумкин бўлган бундай марказлар тармоғини бутун республика бўйлаб яратиш режалаштирилган.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕРЛИНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА БАҲОР ВА ЯНГИЛИНИШ БАЙРАМИ — НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНЛИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ. У ГЕРМАНИЯ ПОЙТАХТИДАГИ «ДИПЛОМАТИЯ МИССИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БЕРЛИН КЛУБИ» («AMBASSADOR CLUB BERLIN») БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Кечада Германия Бундестаги (парламент) депутатлари,

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТНИНГ (ISESCO) ТОШКЕНТНИ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН КЕНГ ШАРҲЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

МИНТАҚАНИНГ МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА СИЁСИЙ МАРКАЗИ

Жумладан, Бирлашган Араб Амирликларида араб тилида нашр этилувчи марказий газета — «Ал-Баён» сахифаларида яқинда мазкур воқеага бағишланган мақола эълон қилинди.

Мамлакатимиз пойтахтининг нуфузи ва аҳамияти ISESCO томонидан юксак эътироф этилгани муносабати билан Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсидан қўчирмалар келтириш баробарида нашр Ўзбекистон бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга бўлган Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири эканига уруғ берди. «Араб ва ислом тарихида бугунги Ўзбекистон ҳудуди Мовароуннаҳр номи билан машҳурдир, — деб ёзади «Ал-Баён». — Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида мустақилликни қўлга киритган мамлакат ўз тарихи, миллий қадриятлари ва аъёналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон минтақанинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида доимо марказий ўрин эгаллаб келган. Бу заминда турли маданиятлар, цивилизациялар ва динлар уйғунлашиб кетган бўлиб, улар орасида ислом дини албатта алоҳида аҳамиятга эга».

«2,5 миллион нуфусга эга бу шаҳар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёдаги энг йирик маданий ва тарихий марказдир, — дейди ISESCOнинг Тошкентни ислом маданияти пойтахти, деган юксак унвон билан муқофотлаш тўғрисидаги қарорини шарҳлар экан Польшанинг нуфузли «Газета Виборча» нашри. — Ўзбекистон пойтахтидаги Тошкент Ислам университети МДХ ҳудудида бу соҳага ихтисослашган ягона олий ўқув юрти бўлиб, у дин, сиёсат, миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинган турли халқаро учрашувлар, давра суҳбатлари ва конференцияларга кўп бора меъдонлик қилган.

ISESCO Тошкент номзодини танлашда мамлакат раҳбарияти томонидан ўзбек халқи ва ислом цивилизациясининг маданий ҳамда маънавий қадриятларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш борасида юритилаётган сийосатни эътиборга олган. ISESCO ўз қарорини, шунингдек, Марказий Осиёдаги энг кўпна шаҳарлардан бири бўлган Тошкентнинг бой тарихи ва маданияти жаҳон тамаддунини тараққиётида алоҳида ўрин эгаллагани билан ҳам изоҳламоқда».

БЕРЛИНДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

жараёни, ундаги урф-одат ва аъёналар ҳақида ҳикоя қилувчи театрлашган томоша намойиш этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улуғбек Отажонов, раққоса Мухтарам Абдумўминова ҳамда истеъдодли доирачи Даврон Акбарбеков иштирокидаги концерт дастури меҳмонларнинг байрамона кайфиятини янада кўтарди. Санъаткорлар ижросидаги «Гулдас» ва «Хоразм лагзиси» каби жўшқин кўшиқ ва рақслар, доиранинг шўх садолари, шунингдек, нуфузли халқаро конкурслар ғолиби, мохир ва иқтидорли ёш пианиночи Б.Ҳақназаров томонидан тақдим этилган немис бастакорлари яратган ўлмас асарлар кеча иштирокчиларини мафтун этди.

— Ўзбекистонга бир бора бўлса-да ташриф буюрган одам унинг гўзаллигини умрбод ёдида сақлаб қолади, — дейди ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан «Аман-Интернэшнл» халқаро жамғармаси директори Бернд-Диетер Фридрих. — Директор нафақат кўпна тарихи, ёриткич тарихий ёдгорликлари, балки жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган нодир маданияти, амалий санъати, илм-фани, адабиёти, муосиқаси ва рақслари билан ҳам сехрлаб қўяди кишини.

«Berufliche Bildung und Consulting GmbH» компанияси ижрочи директори, Ўзбекистонда профессионал таълим тизими кўмаклашиш лозимлиги раҳбари Петер Байтц асрлар давомида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон жаҳондаги нафақат сиёсий, балки илмий ва маданий маркази бўлиб келганига эътибор қаратди.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АҲДЛАШИЛДИ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИ МУТАХАССИСЛАРИДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯ ҲИНДИСТОНДА БЎЛИБ, ҚАТОР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИДА САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР ҲАҚИДА.

Ушбу ташрифдан кўзланган мақсад мамлакатимизда эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон тиббиёт муассасалари ўртасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан изоҳланади.

Фармацевтика махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Дабур» компаниясида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизга халқаро андозалар талабларига мос, нисбатан анча арзон бўлган дори-дармонлар етказиб беришга келишиб олинди. Ушбу кимёвий препаратлар синодан муваффақиятли ўтгач, уларни республикамизга мунтазам равишда олиб келиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз делегацияси Дехлидаги онкология хасталиқларини даъволашга ихтисослашган «Рокланд» шифохонаси раҳбарияти билан ҳам учрашди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни кўзда тутуви шартномани имзолашди. Унда икки мамлакат онкология марказлари биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориши, мутахассислар малакасини ошириш, бу борада тажриба алмашиш сингари ўзаро ҳамкорликнинг қирралари акс этган.

Келишувга мувофиқ, 2007 йили уч нафар ўзбекистонлик беморга тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди мазкур клиника раҳбари, профессор Р.Пандей. — Биз Ўзбекистон онкология маркази йўлланмасига беморларни йўлга олишга муҳтож ўзбекистонлик беморларни клиникада кўридан ўтказиб, уларни даволашни юзасидан ташкилий масалаларни ҳал қиламиз.

— Ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Ал-Форобий, Беруний, Улуғбек сингари даҳо олимларнинг инсоният цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси том маънода бекиёсдир, — деди П.Байтц. — У даврларда Европа Марказий Осиёдан кўп нарсаларни ўрганган.

Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти аъзоси Анна Катрин Унверхауда ёрқин маданий дастур билан бир қаторда Маргилон шаҳрида ишлаб чиқарилган ипак махсулотлари кўрсатмаси ва уларнинг яратилиш тарихи тасвирланган фотосуратлар катта қизиқиш уйғотди. Шу бос Унверхау хоним ўзбек ипагининг яратилиш тарихи билан яқинроқ танишиш мақсадида яқин вақт ичида сайёҳлар гуруҳини тузиб, айнан Маргилонга сафар уюштириш ниятида эканини маълум қилди.

«Berufliche Bildung und Consulting GmbH» компанияси ижрочи директори, Ўзбекистонда профессионал таълим тизими кўмаклашиш лозимлиги раҳбари Петер Байтц асрлар давомида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон жаҳондаги нафақат сиёсий, балки илмий ва маданий маркази бўлиб келганига эътибор қаратди.

ДЕҲЛИДА ДАВРА СУҲБАТИ

ДЕҲЛИДАГИ 15 МИНГА ЯҚИН ТАЛАБА ТАҲСИЛ ОЛАДИГАН ЖОМИЯ МИЛЛИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА «ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДАГИ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР: ЎТМИШ ВА БУГУНГИ КУН» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ҲИНД ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ДОИРАЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА МАЗКУР УНИВЕРСИТЕТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВИЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбир иштирокчилари Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентни Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилгани ва шу муносабат билан Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсини юксак баҳоладилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши вакили Сайид Шаҳид Маҳди Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар узок ўтмишга бориб тақаллини қайд этган экан, мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида икки томонлама муносабатлар мутлақо янгилаш мазмун ва моҳият касб этганини таъкидлади. — Тобора ривожланиб бораётган

маданий алоқаларимиз эса мақсадлари муштарак бўлган икки халқ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди, — деди у.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонаси томонидан университет кутубхонасига Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримовнинг инглиз ва ҳинд тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бусонасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ҳамда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоблари, шунингдек, мамлакатимиз ҳақида ҳикоя қилувчи қатор адабиётлар ҳамда турли қўшимча ахборот материаллари тақдим этилди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Шайтон йўлидан айла ҳазимат зинҳор, Қилгил Раҳмон сори азимат зинҳор, Тоат била бер ўзунга қиймат зинҳор, Ҳақ тоатини англа ганимат зинҳор.

Шабобнинг ҳавасидин сақолни ранг этма, Оқарса сабза, яна кўкармак не имқондур.

Ёшлиқни ҳавас қилиб, соқолингни бўяма, оқарган майса қайта кўкармайди.

Э басо нуқсон, ки дар зимнаш бувад як навъ суд, Чун дафъи лўли дарид аз бахра маймун чамбараст.

Баъзи камчиликлар учун ўқиниш ярамайди. Чунки айрим камчиликлар тагида бир хил фойдалар ҳам бўлиши мумкин.

Эй Навоий, сендект этган зоеъ айёми шабоб, Суди йўқ анжум каби ашқу надомат шоми шайб.

Эй Навоий, сен каби ёшлиқ чоғини дунё маълумотида баҳрасиз ўтказганлар қариган вақтида юлдузлар каби кўз ёш тўқсалар ҳам фойдаси бўлмайди.

Эранлар хизматиға кимки умрин сарф этар, Агарчи умри кетара, аммо жовид умрга этар.

Кимки мард кишилар хизматиға умрини сарф қилса, умри кетса-да, абадий умрга эришади.

Элга зиён анинг суди, Ва ўнғой олиб, оғир сотмоғи анинг максуди.

(Савдогарлар) мақсади — арзон олиб, қиммат сотиш, халқнинг зиёни улар учун фойда.

Эрур нахилдек шамъ муз шўшаси Мунинг ўт, анинг сувдурур хўшаси.

Сумалак ях билан шам кўринишда бир хил бўлсалар ҳам, аслида буларнинг бири ўт, бири сув берур.

Эшк ит ериду, гар олсун бўри, Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри.

Гар ул дашт сайдини айлар фиғор Ва лекин бу уй сайдин айлар шғор.

Ит гарчи бўрини даф қилса ҳам, эшикда тарбияланади, мушукка эса уй тўридан жой берилади.

Эшак оллида заъфарон хуб эмас, Ки нодонга зарбафт марғуб эмас.

Эшак сомон ўрнига заъфарон беришларига шодланмайди. Нодонга қимматбаҳо либос ёқмайди.

Экса ганий тухм, қилиб элга зўр, Тухмини тороққилур хайли мўр.

Одамларнинг қучларидан фойдаланиб деҳқончилик қилган бойнинг уруғини чумолилар совуррадилар.

Эл ичра, э хасуд, сени қилди ҳақ залил Ким ноҳақ элга зидсан-у ҳақ молига бахил.

Ҳасадчи дунёда хору зордир, чунки у нотўғри кишиларга зид, тўғри кишилар молига бахиллик қилади.

Эл қочса бировдин эл ёмони бил они, Аҳволида идбор нишони бил они.

Кимдан эл қочса, ўша киши элнинг ёмонидир. Бундай бўлишлик бахтсизликнинг белгисидир.

Элга шараф бўлмади жоху насаб, Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Одам боласига насабию давлати эмас, ҳаёв адоби обрў келтиради.

Эрурсен шох — агар оғохсен сен, Агар оғохсен сен — шохсен сен.

Эл молин ўзунга мол билгил, Хайлин ўзунга иёл билгил.

Яъни нечук асралур иёлинг, Маҳфуз нечукка турса молинг.

Андоқ бори эл иёлин асра, Ўғридин амонда молин асра.

Эл молини ўз молингдай, ҳар бир хонадонни ўз хонадонингдай бил, яъни ўз хонадонингни қандай асрасанг, молингни қандай кўриқласанг, эл хонадонини ҳам шундай асра, молини ҳам ўғридан омон сақла.

Эр кирар эр сонга ҳиммат била, Эр эмас фахр айлагон зийнат била.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Кўргазмалар

МУҲЛИСЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА



Музей коллекциялари ичда ўзига хос бўлган, кулолчиликнинг бир турига тегишли ҳайкалчаларнинг 400 дан ортиқ хиллари йиғилган.

ШУ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИДА НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ МУЗЕЙ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН, МАЙДА ҲАЙКАЛЧАЛАР ВА ПЛАСТИКА АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Шу кунларда ўзбекистон амалий санъат музейида Наврўз байрамига бағишлаб музей фондида сақланаётган, майда ҳайкалчалар ва пластика асарлари кўргазмаси очилди.

Агар бирор кимсанинг қовурғаси синган бўлса, унга ўйинчоқ хуштак берилган. Бемор ўқани имкони борича ҳаво билан тўлдирган ва уни

хуштак ёрдамида чиқарган. Шу йўл билан синган қовурға тезда битиб кетган.

Амалий санъат музейида шунингдек, майда пластиканинг 12 мактабига хос экспонатлар йиғилган. Булар Самарқанд, Бухоро (Ўба), Тошкент, Риштон, Сурхондарё, Ўра-тепа мактабларига оид бўлиб, ҳайкалчалари, хушпулакларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Кўргазма ўзбекистонлик ва чет элдан келган томошабинлардан катта қизиқиш уйғотмоқда.

Раҳматжон АКМАЛОВ СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейидан ўрин олган миллий санъатимиз намуналари.

ЎЗНИНГ ҲУСНИ-ТАРОВАТИ, ГЎЗАЛЛИГИ БИЛАН ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ, ШУУР БАҲШИДА ЭТАДИГАН КЎКЛАМ ФАСЛИ АЙНИҚСА БОЛАЖОНЛАР УЧУН ҚУВОНЧЛИ КЕЧИШИ ТАБИИЙ. НЕГАКИ, УНДА КИШИ УМИРИНИНГ БАЛОҒАТИГА ХОС НАВҚИРОНЛИК, ЖЎШҚИНЛИК МУЖАССАМ.

Танловлар

ГУЛЛАР ВА ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Шу маънода Юнусобод туманидаги 105-мактабда ўтказилган «Гуллар ва қушлар» байрами деб номланган тадбир ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Бугунги тадбирнинг асосий мақсадларидан бири ўқувчиларимизда экологик маданиятни оширишга интилишдир. — дейди туман халқ таълими бўлимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Муаззам Ғуломов.

Ҳимоя қилишга қаратилган пухта чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шундай экан биз педагог, мураббийлар зиммасида ўсига келаётган ёш авлод онга она-табиат неъматларига муҳаббат уйғотишда масъулиятли вазифа турибди.

Тадбир давомида ҳакамлар ҳайъати аъзолари ўқувчилар томонидан парвариш қилинаётган сайроқи қушларнинг ноёб турлари, ўзининг анвойи бўйи билан киши эътиборини тортувчи ифорили гуллардан гулдасталарнинг нозик дид билан тайёрлашдаги ўзига хосликка эътибор қаратишди.

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

ВАҚТИДА ДАВОЛАШ КЕРАК

Сал совуқ тушди, бурни пингиллаб, димоғи билан гапирувчи катта-ю ёшларни, болаларни тез-тез учратами. Мутахассислар фикрича, ҳар ўн кишидан бири бурун билан боғлиқ муаммага дуч келади.

Тананинг нормал ҳолатида юқори нафас йўллари шу йўллари ювиб турувчи суюқлик ишлаб чиқаради. Бу суюқлик нафас йўллари бўйлаб юриб, табиий равишда бурун орқали чиқиб кетиши керак.

Бунинг устига бизнинг ўзимиз ҳам, — дея таъкидлайди шифокор-оторларинголог Усмон Олимжонов, билар-билмас томизилдиган дориларни бурунга қуйиб, суюқлик-шилмишлар оқиб чиқадиган йўллари қўшимча равишда янада торайтиришга сабабчи бўлади.

Энг аввало, бурун атрофига жойлашган галвирсимон ва гаймор бўшлиғи тўлади. Тўпланиб қолган шилмишлар зичлашиб, ўзида микроблар пайдо қилади ва бир қарашда беозордай туюлган тумов, шамоллаш гайморитга, илмий тил билан айтадиган бўлсак — йирингли синуситга айланади.

Агар тумов, шамоллаш икки ҳафтадан кўпроққа чўзилиб, пингиллаш пайдо бўлса, йўталганда ва ақсирганда буруннинг икки томони қандайдир оғирликни сезсангиз, бурунга тугган дастурмолачигада ёпишқоқ нарсалар қоладиган бўлса — булар бурун атрофидаги бўшлиқлар тўлиб, яллиғланиш бошланган аломатларидир.

Шифокорнинг таъкидлашича, бурун билан боғлиқ кўпгина касалликлар одамларда болаликдан бошланиб, умр бўйи уларга «эргашиб юради». Шунинг учун ҳам даволашни бешик ёшидан оқиб бошлаш керак.

Яқин вақтларда бу касаллик суюқлик тешиб, тўпланиб қолган йиринглари тозалаш йўли билан даволаб келинади. Бу оғриқли муолажани кўп марталиб такрорлашга тўғри келарди.

Эндилдиқда бундай аралашчи катъий чеклаб қўйилган ва жуда зарур ҳоллардагина бу усулга қайтилади. Аслида бу касалликнинг биринчи аломатлари бошланганидан оқиб даволашга киришиш керак.

Сунъий йўл билан олинган юқоридаги икки суюқликнинг яллиғланишга, аллергияга ва бактерияларга қарши кураш хусусиятлари жуда самарали бўлиб, бошланғич босқичларда 80 фоизгача беморларнинг тўла соғайиб кетишига эришилади.

Хозирги замон тиббий амалиётида гайморитни оғриқсиз даволаш усулларидан фойдаланиш кенг ёйилиб бормоқда. Улардан бири — бўшлиқларни оғриқсиз «тозалаш» усули бўлиб, бунда махсус мосламалар бир йўла икки вазифани бажаради.

Шундай қилиб гайморитни вақтида даволаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки йирингли шилмишлар ўзига йўл қидириб, исталган жойда тўпланиб қолиши мумкин. Кўпинча уларнинг кўз чуқурчаларига «ёриб кириши» кузатилади ва турли кўз касалликларини келтириб чиқаради.

Яллиғланиш бош мия қобиқларига ёйилиши ва менингит хасталиғига сабаб бўлиши мумкин. Унда инсон хид билиш қобилиятини йўқотади. Гайморит яна ўз нервларини жароҳатлаб, невралгияга, тез-тез такрорланадиган бош оғриғига, баъзан эса, ҳатто эшитиш қобилиятини йўқотишгача олиб боради.

Кўйидаги маслаҳатларга амал қилиш гайморитдан халос бўлиш, ҳеч бўлмаганда унинг енгил кечишига ёрдам беради.

— томирларни торайтирувчи томизилдиган дорилардан 7 кундан ортиқ фойдаланиш ва уларни ўзбошимчалик билан қўллаш мумкин эмас. Дори-дармонлар бозорида таъсири ўрганилмаган дорилар кўп;

— «оёғингни иссиқ тут, бошингни ўзинг биласан» деган нақл ёдингизда бўлсин. Болалар қалпоқ кийганлари маъқул;

— зарур бўлган ҳолларда аденондларни болаликда олдириб ташлаган маъқул. Ақс ҳолда ҳар қуз ва баҳорда муаммо туғилаверади;


— агар бир марта бўлса ҳам йирингли синусит ташхиси қўйилса, албатта компьютер томографиясидан ўтиш шарт;

— сурункали гайморитнинг асосий сабабларидан бири ўз билангина даволашни эканлигини ҳам унутманг. Ўзингизни эҳтиёт қилинг — зеро, ҳозир қутилмаганда шамоллаш жуда осон.

Спорт янгиликлари

«ДИНАМО» ВАКИЛЛАРИ ОЛДИНДА

«ДИНАМО» ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СПОРТ ЖАМИЯТИДА 1994 ЙИЛДА ТУГИЛГАН ВА УНДАН ЁШ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА САМБО БЎЙИЧА НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАГАН ОЧИҚ ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Турирда 26 килограммгача ҳамда 60 килограммдан ортиқ жами 12 та вазн тоифасида 160 нафар ёш спортчилар галаба учун кураш олиб борди.

«Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамиятида 1994 йилда туғилган ва ундан ёш мактаб ўқувчилари ўртасида самбо бўйича Наврўз байрамига бағишлаган очиқ шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Турирда 26 килограммгача ҳамда 60 килограммдан ортиқ жами 12 та вазн тоифасида 160 нафар ёш спортчилар галаба учун кураш олиб борди. Улар шахримизнинг «ТТЗ», «Ешлик», «Умид», «МХСК» ва «Динамо» клублари шарафини ҳимоя қилишди.

силор, шунингдек 41, 44, 48 ва 60 килограммгача самбочилар баҳсида С.Зуфаров, Л.Маматов, А.Юсулов, И.Номозов каби «Динамо» жамияти вакиллари хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди.

35 ва 52 килограммгача вазнларда МХСК клуби ёш самбочилари Б.Ризаев ҳамда Ж.Отмуратовларга тенг келадиганлар топилмади.

Оғир вазнларда «Умид»чилар Т.Нормуродов ва А.Баходирзодалар зафар қўчишди.

Шаҳар биринчилигининг барча соғиб ва совриндорлари дипломлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 8 май кунини соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказди.

Яқкасарой туман суд ижрочилири бўлинимаси томонидан 2005 йил 3 октябрдаги ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманида жойлашган «Севзор» автолар сақлаш масканида сақланаётган 1993 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 30L75-58 бўлган «Хонда НВ» русумли автоотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-4166488 сўм.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Она табиатимиз кўрки, Ватанимиз бойлиги бўлган яшил дов-дарактларимизнинг ўзбошимчалик билан кесилишига, нобуд бўлишига йўл қўймайлик!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ КЎМИТАСИНING ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Яшил бойлигимиз, инсон саломатлиги учун қарбонад ангидриднинг ютиб кислородни ишлаб чиқаради. Ҳар бир кишига 5 квадрат метр яшил ўсимлик олами тўғри келиши зарурлиги олимлар томонидан ҳисоблаб чиқилган. 200 та одам ўзидан бир соатига 8 кг CO2 газини чиқаради.

Бир кунда 1 гектар ўрмон 220-280 кг. углекислород газини ютиб, ўзидан 180-200 кг кислородни етказиб беради.

Азиз ҳамшаҳарлар! Шаҳримиз ўсимлик оламини асраб-авайлайлик! Шаҳримиз ҳудудларида ўзбошимчалик билан манзарали дов-дарактларни кесиш ҳолатларидан бохабар бўлсангиз куйидаги ишонч телефонлари (173-86-90, 173-86-83) орқали Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасига хабар беришингизни сўраймиз.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲҚСИМЛИГИ. Буюртма Г-306

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3061 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акцидорлик компанияси бошқаровида. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 12346